

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

НОРКУЛОВ УСМАНКУЛ

**ТУПРОҚНИ ШЎРИНИ ЮВИШДА СУВНИ ТЕЖАШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.02– Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Норкулов Усманкул

Тупрокни шўрини ювишда сувни тежаш технологияларининг илмий ва амалий асослари..... 3

Норкулов Усманкул

Научные и практические основы водосберегающих технологии при промывке засоленных почв..... 29

Norkulov Usmankul

Scientific and practical principles of water-saving technologies for leaching of saline soils..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

НОРКУЛОВ УСМАНКУЛ

**ТУПРОҚНИ ШЎРИНИ ЮВИШДА СУВНИ ТЕЖАШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.02– Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 2018.2.DSc./Qx.95 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cottonagro.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Хамидов Муҳаммадхон**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мамбетназаров Бисенбай Сатназарович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Исашев Анваржон
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Қурвантаев Раҳмонтой
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти**

Фан доктори (DSc) диссертацияси ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашининг «__»_____2018 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, ЎзПТИ кўчаси. ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-36; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: piim@qsxv.uz)

Фан доктори (DSc) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, ЎзПТИ кўчаси. ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-36; факс: (+99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2018 йил «__»_____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__»_____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., катта илмий ходим

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктари (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунё бўйича шўрланган экин майдонлари ҳажми Халқаро озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотига кўра (ФАО) ер шари куруқлигининг 25 фоизини ташкил этади. Дунё мамлакатлари орасида энг кўп шўрланган тупроқлар Аргентинада - 30,5 минг, АҚШда - 5,9 минг, Парагвайда - 20,0 минг, Мисрда - 7,7 минг, Ливияда - 2,4 минг, Болгарияда - 3,0 минг, Венгрияда - 1,2 минг, Испанияда - 0,8 минг гектар ва бошқа арид минтақаси мамлакатларида кенг тарқалган¹. Республикада суғориладиган экин майдонларининг қарийиб 51-55 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, уни салбий оқибатларини юмшатиш бўйича кенг қамровли чоратadbирлар амалга оширилмоқда.

Дунё олимларининг тупроқни шўрланишини олдини олиш ва қарши курашиш бўйича муаян устивор илмий йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шўрланган суғориладиган ерларда суғориш тармоқларидан филтрацияга сарфланадиган сув миқдорларини камайтириб, суғориш тармоқларини ФИК ошириш ва сизот сувларининг кўтарилишини олдини олиш, шўрланган ерларни тубдан мелиорация қилиш учун турли типдаги коллектор-зовурлар конструкцияларини яратиш, шўрланган ерларда шўр ювиш усулларини такомиллаштириш, шўр таъсирига чидамли экин турлари ва навларини яратиш ва уларни етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш, муҳим аҳамиятга эга.

Республикада кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида қисқа алмашлаб ва навбатлаб экиш тизимида ердан йил давомида узлуксиз фойдаланиш натижасида тупроқнинг сув ва туз тартибида ўзига хос ўзгаришлар кузатилмоқда. Суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўр ювиш технологияларини такомиллаштириш ва тупроқни қайта шўрланиш жараёнларни олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Қишлоқ хўжалик ерларида шўрланишнинг салбий оқибатларни камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «... ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш²» муҳим вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, республикамизда шўрланган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, шўр ювишда сув ва ресурс тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш бўйича изланишлар муҳим бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сон «2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора

¹<http://www.fao/worldfoodsituation/csdb/ru>; <https://www.usda.gov/>; <https://www.dpi.nsw.gov.au/research-centres>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 февралдаги 39-сон «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хоржий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрланишга қарши кураш ва тупроқнинг шўрини ювиш йўналишида илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: United States Department of Agriculture (USDA), Food and Agriculture Organization (FAO) (АҚШ), Institute of Cotton Research (ICR, CAAS), Shehezi University (Хитой), Australian Cotton Research Institute (Австралия), Stockholm Technology University (Швеция), Agriculture Academy of Bulgarian (Болгария), International Water Management Institute (IWMI) (Шриланка), Indian Agricultural Research Institute, Tamil Nadu Agricultural University (Ҳиндистон), А.М.Костяков номидаги Бутунроссия гидротехника ва мелиорация илмий-тадқиқот институти, В.В.Докучаев номидаги Бутунроссия тупроқшунослик илмий-тадқиқот институти (Россия), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Шўрланган майдонларда тупроқни шўрини ювишда сувни тежаш технологияларини қўллашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: минераллашган сизот сувлари сатҳининг юза жойлашуви, ерларни шўрини ювишда шўр сувлардан фойдаланиш, сунъий зовурлар ва шўр ювиш учун чучук сувлари етишмаслиги натижасида суғориладиган майдонларда шўрланиш пайдо бўлиши аниқланган (Indian Agricultural Research Institute, Tamil Nadu Agricultural University); шўрланган суғориладиган майдонлар тупроқларининг шўрланиш типи ва даражаси аниқланган (United States Department of Agriculture, Food and Agriculture Organization); турли минтақаларда қишлоқ хўжалиги экинларининг тупроқда зарарли тузлар таъсирида ҳосилдорлик кўрсаткичи сезиларли даражада камайиши аниқланган (Stockholm Technology University, А.М.Костяков номидаги Бутунроссия гидротехника ва мелиорация илмий-тадқиқот институти,

В.В.Докучаев номидаги Бутунроссия тупрокшунослик илмий-тадқиқот институти); тупрокни шўрини ювишда турли сув тежовчи технологиялар ишлаб чиқилган (Institute of Cotton Research (ICR, CAAS), Shehezi University, Australian Cotton Research Institute,); кучсиз шўрланган ерларда ўн беш фоиз, ўртача шўрланган ерларда ўттиз беш фоиз, кучли шўрланган ерларда олтмиш бешфоиз, шўрхоқларда эса саксон беш фоиз ҳосил нобуд бўлиши аниқланган (Agriculture Academy of Bulgarian, International Water Management Institute).

Бугунги кунда дунёда тупрокни шўрланишини олдини олиш ва қарши курашиш бўйича куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: шўрланган суғориладиган ерларда суғориш тармоқларидан филтрацияга сарфланадиган сув миқдорларини камайтириш технологияларини ишлаб чиқиш; суғориш тармоқларини фойдали иш коэффицентини ошириш ва сизот сувлари стаҳини кўтарилишини олдини олиш технологияларини такомиллаштириш; шўрланган ерларни тубдан мелиорация қилиш учун турли типдаги коллектор-зовурлар конструкцияларини яратиш, шўрланган ерларда шўр ювиш усулларини такомиллаштириш, шўр таъсирига чидамли экин турлари ва навларини яратиш ва уларни етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган майдонларда шўрланган ерларни мелиорация қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича республика ва чет эл олимларидан В.А.Ковда, А.М.Кастяков, Д.М.Кац, В.В.Егоров, С.Н.Рыжов, М.А.Панков, А.Н.Розанов, Б.В.Федоров, В.М.Легостаев, Н.Ф.Беспалов, Р.А.Алимов, О.К.Камилов, Қ.Мирзажонов, О.Рамазонов, А.Расулов, М.Хамидов, Л.Ғофурова, А.Shabbir, D.A.Horneek, A.Scott, B.Chandrosekaran, K.Annadural, E.Fallik ва бошқалар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Лекин, бугунги кунда суғориладиган майдонларда ерлардан йил давомида жадал фойдаланиш деҳқончилик тизими шароитида ҳар бир экинни етиштиришда ўртача ва кучли шўрланган тупроқларда тўпланадиган туз ва намлик миқдорларини ҳисобга олган ҳолда шўр ювиш меъёрлари, муддатлари ва ҳамда шўрхоқ гипсли тупроқларни мелиорация қилишда икки ярусли зовурлаштириш, чуқур юмшатиш, чуқур тилмалаш ва шўр ювиш технологиялари бўйича илмий тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети 2.1.16. «Суғориладиган ерларни қулай мелиоратив ҳолатини сақлаш» (2000-2003 йй.) ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХ-4-Ф-04 «Фермер хўжалиқлари шароитида ерларни шўрини ювишда сувни тежаш услубиятларининг назарий асосларини яратиш» (2008-2011 йй.) мавзусидаги амалий ва фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўртача ва кучли шўрланган тупроқларни шўрини ювишда сувни тежаш ҳамда шўрхоқ гипсли тупроқларни ҳар хил усулда мелиорация қилишнинг (икки ярусли зовурлаштириш, чуқур

юмшатиш, чуқур тилмалаш ва шўр ювиш) тупроқни сув ва туз тартибларига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўртача ва кучли шўрланган ерларда кузги буғдой, кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида экилган маккажўхори ва ундан кейин ғўза экинларини ўзаро қисқа ротацияли алмашлаб ва навбатлаб экиш давомида тупроқнинг сув ва туз тартибларини ҳамда мавсумий туз тўпланиш жараёнларини аниқлаш;

ўртача ва кучли шўрланган ерларда кузги буғдой, кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида экилган маккажўхори ва ундан кейин ғўза экилган майдонларда ердан йил давомида фойдаланиш шароитида туз ва сув мувозанатини ўрганиш;

кузги буғдой, кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида экилган маккажўхори ва ундан кейин ғўза экилган майдонларда мавсумий туз тўпланиши миқдорига ҳамда мавжуд тупроқ намлигига боғлиқ ҳолда шўр ювиш муддатларини, меъёрларини ва усулларини ишлаб чиқиш;

шўрхоқ гипсли тупроқларда ўтказилган мелиоратив тадбирларни (икки ярусли зовурлаштириш, чуқур юмшатиш, чуқур тилмалаш, шўр ювиш) тупроқни сув-физик хоссалари, озиқа моддалари, сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги ва уларни минераллашганлиги, зовур сув оқими, тупроқни туз тартибига узоқ муддатли таъсирини аниқлаш;

ўртача, кучли шўрланган ва шўрхоқ тупроқларни шўри ювилган шароитда етиштирилган кузги буғдой, кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида экилган маккажўхори ва ўндан кегин экилган ғўза экинларини ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ўрганиш;

ўртача, кучли шўрланган ва шўрхоқ тупроқларни шўри ювилган ва ювилмаган шароитда етиштирилган кузги буғдой, кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида экилган маккажўхори ва ўндан кегин экилган ғўзадаги иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида Сирдарё вилояти Ховас тумандаги «Норин» ва «Пахтакор» сув истеъмолчилари уюшмаларининг ўртача шўрланган, кучли шўрланган ва «Хасан Ахмат орзу» (шўрхоқ) фермер хўжалигининг шўрланган ерларидаги мавжуд ёпиқ ётиқ зовурлар ва янги барпо қилинган икки ярусли ёпиқ юза зовурлар, ерни чуқур юмшатиш ва тилмалаш, ғўзани «АН-Баявут-2» кузги буғдойни «Крошка», маккажўхорини «Ўзбекистон 306» нави олинган.

Тадқиқот предмети бўлиб ўртача ва кучли шўрланган ерларда кузги буғдой, кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида экилган маккажўхори ва ўндан кегин экилган ғўзани ўзаро қисқа ротацияли алмашлаб ва навбатлаб экиш давомида тупроқнинг сув ва туз тартибларини ҳамда мавсумий туз тўпланиш жараёнларини аниқлаш ва шу асосида шўр ювиш муддатларини, меъёрларини ва усулларини ишлаб чиқиш, шўрхоқ гипсли тупроқларда ўтказилган мелиоратив тадбирларни узоқ муддатли таъсирларини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқот услублари. Тадқиқотларни ўтказишда «Дала тажрибаларини ўтказиш услублар», тупроқни сув-физик, агрохимёвий хоссалари ҳамда уни таркибидаги тузлар миқдорини аниқлаш «Методика агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных районах», шунингдек, олинган маълумотларни математик-статистик таҳлилида Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат;

илк бор ўртача ва кучли шўрланган ерларда кузги буғдой, кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида экилган маккажўхори ва ўндан кегин экилган ғўзани ўзаро навбатлаб экишда тупроқни сув ва туз тартиблари ҳамда мавсумий туз тўпланиш жараёнлари, тупроқдаги туз ва сув мувозанатининг кирим ва сарфланиш қисмларининг меъёрлари аниқланган;

мазкур экинлар жойлашувида тупроқда мавсумий туз тўпланиши миқдори ва тупроқ намлигига боғлиқ ҳолда шўр ювиш муддатлари, меъёрлари ва усуллари ишлаб чиқилган;

шўрхок гипсли ерларда амалга оширилган мелиоратив тадбирларнинг (икки ярусли зовурлаштириш, чуқур юмшатиш, чуқур тилмалаш, шўр ювиш) тупроқ сув-физик ва агрохимёвий хоссаларига, сизот сувлари жойлашиш чуқурлигига, уларни минераллашганлик даражасига, зовур сув оқимиغا, тупроқнинг туз тартибига узоқ муддатли таъсир этиши аниқланган;

шўрхок гипсли тупроқларни мелиорация қилиш ва улардан самарали фойдаланиш технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўсув даврининг охирида энг кам туз тўпланиш ва энг юқори тупроқ намлик захираси кузги буғдой ва ундан кейин такрорий экин сифатида экилган маккажўхори майдонида, аксинча энг кўп туз тўпланиши ва энг кам намлик захираси кузги буғдой экилганда аниқланган;

тажриба майдонларида амалий шўр ювиш меъёрлари ўртача шўрланган кузги буғдой экилган майдонда 3000-3500 м³/га, ғўза экилган майдонда 3380 м³/га, такрорий экин экилган майдонда 2400 м³/га, кучли шўрланган майдонда юқорида келтирилган экинарга мос равишда 3500-4500 м³/га, 3380-3785 м³/га ва 3000 м³/га дан иборат бўлиши аниқланган;

юқорида келтирилган шўр ювиш меъёрлари амалдаги шўр ювиш меъёрларига нисбатан ўртача кузги буғдой майдонида 15%, ғўза майдонида 26%, кузги буғдой+такрорий экин майдонида 40% гача сув тежалиши таъминланган;

ўртача шўрланган майдондаги шўри ювилган вариантларда кузги буғдойдан 42,4 ц/га, ғўзадан 27,5 ц/га, маккажўхоридан 28,5 ц/га, кучли шўрланган майдонда юқоридаги экинларга мос равишда 37,5; 23,3 ва 26,4 ц/га ҳосил олинган ва бу шўри ювилмаган вариантларга нисбатан кузги буғдойдан 6,5-18,0 ц/га, ғўзадан 12,2-19,8 ц/га юқори кўрсаткични ташкил этган;

шўрхок гипсли тупроқларда ўтказилган мелиоратив тадбирлар натижасида кучсиз шўрланган майдон 2,34 га дан 15,7 га, ўртача шўрланган майдон 3,73 га дан 16,7 га гача кўпайган, кучли шўрланган ва шўрхокнинг

23,29 гектари эса тўлиқ кучсиз, ўртача шўрланиш даражаларига ўтган ва тупроқ қатламларидаги барча захарли тузларнинг (NaCl, MgCl, MgSO₄, NaSO₄) камайиши кузатилган, энг кўп камайиш NaCl ҳисобига тўғри келган, пахта ҳосили кучсиз шўрланган ерда 24,5 ц/га ва ўртача шўрланган ерларда 19,2 ц/га тенг бўлишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги, олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажрибалар натижалари республика ва чет эл тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар ҳисоботлар илмий кенгашларда муҳокама қилинганлиги, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш ва шўр ювиш соҳасидаги илмий ишларда кенг жорий қилинганлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг Республика ва ҳалқаро илмий конференцияларда қилинган муҳокамалар натижаларининг ишончилигини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз ўтлоқи, ўртача ва кучли шўрланган ерларида кузги буғдой, кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида экилган маккажўхори ва ундан кейин етиштирилган ғўзанинг суғориш сони, муддати ва меъёрлари, тупроқнинг намланиш тартиблари, сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигига, уларнинг минераллашганлик даражаси, зовурларнинг сув оқими, ҳар бир экин майдонининг сув ва туз мувозанати, мавсумий туз тўпланиш жараёнлари, шўр ювиш учун зарур бўлган сув меъёрлари, шўрхок гипсли тупроқларни мелиорация қилиш учун икки ярусли зовурлаштириш, чуқур юмшатиш, чуқур тилмалаш ва шўр ювиш тадбирлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўртача ва кучли шўрланган ерлардан самарали фойдаланиш ва шўрхок гипсли тупроқларни мелиорация қилиш усуллари ишлаб чиқиш, тупроқнинг агрофизик, агрокимёвий хоссалари ва умумий мелиоратив ҳолатини яхшиланиши, шўр ювишга сарфланадиган сувнинг ўртача 25 фоизгача тежалиши, экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ортиши натижасида юқори самарадорликка эришишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Шўрланган майдонларда тупроқни шўрини ювишда суғориш сувларини тежаш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

шўрланган суғориладиган майдонларда тупроқни шўрини ювишда фермер хўжаликлари учун қўлланма сифатида «Шўр ювишда сувдан самарали фойдаланиш» номли тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 02/032-217-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома Сирдарё вилоятининг шўрланган майдонларида кўп тармоқли фермер хўжаликларида тупроқнинг шўрини ювишда асосий қўлланма сифатида хизмат қилган;

ўртача ва кучли шўрланган ўтлоқлашган оч тусли бўз тупроқларда ғўза қатор орасини кузги буғдой экишдан олдин 18-20 см чуқурликда юмшатиш, экишдан кейин кузги буғдой майдони шўрини ювиш учун эгат узунлиги ҳар 50 метр ўқариклар билан чегараланган ҳолда шўр ювиш технологияси Сирдарё вилояти Ховос тумани фермер хўжаликларида 200 гектар, Оқолтин тумани фермер хўжаликларида 200 гектар жами 400 гектар кузги буғдой майдонларига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 02/032-217-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ўртача шўрланган майдонларда жами гектарига 3000-3500 м³ меъёрда ерни юмшатишдан олдинги уруғ суви бирга сарфланиб, тупроқнинг 1 метр қатламидаги тузлар миқдори 0,036-0,045 фоиздан (хлор иони бўйича) 0,01 фоизгача ювилган, кузги буғдой дон ҳосилдорлиги гектарига 33,5-43,7 центнерни ташкил этган, суғориш сувлари 30 фоизгача тежалган ҳамда гектаридан 243700 сўм соф фойда олишга эришилган;

кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида маккажўхори экилган майдоннинг шўрини ювиш учун ерни кузда шудгорлаш (30 см чуқурликда), текислаш ва қатор ораси 60 см бўлган эгатлар олиш ҳамда ҳар 50 метр ораликда ўқариклар билан чегараланган ҳолда шўр ювиш технологияси Ховос тумани фермер хўжаликларида 50 гектар, Оқолтин тумани фермер хўжаликларида 50 гектар жами 100 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 02/032-217-сон маълумотномаси). Натижада ўртача шўрланган майдонларда шўр ювиш учун гектарига 2400 м³ сув сарфланган, тупроқнинг 1 метр қатламидаги тузлар миқдори 0,028-0,034 фоиздан (хлор иони бўйича) 0,01 фоизгача камайган, маккажўхорининг дон ҳосилдорлиги гектаридан 17,0-28,5 центнер, поя ҳосилдорлиги 167,7-195,0 центнерга ошган ва иқтисодий самардорлик гектарига 1014600 сўмни ташкил этган;

ўтмишдош экин кузги буғдой бўлиб, ғўза экилган майдоннинг шўрини ювиш учун кузги шудгор, текислаш ва қатор оралиғи 60 см ва узунлиги ҳар 50 метрда ўқариклар олинган ҳолда шўр ювиш технологияси Ховос тумани фермер хўжаликларида 200 гектар, Оқолтин тумани фермер хўжаликларида 150 гектар жами 350 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 02/032-217-сон маълумотномаси). Натижада ўртача шўрланган майдонларга шўр ювиш учун гектарига 3380 м³ сув сарфланган, тупроқ таркибидаги тузлар миқдори (хлор иони бўйича) 0,039 фоиздан 0,018 фоизгача камайган ва гектаридан 9,2 центнер кўшимча пахта ҳосили олишга эришилган;

шўрхок гипсли тупроқларни мелиорация қилиш учун икки ярусли зовур барпо қилиниб (биринчи ярус-ёпиқ чуқур зовур 2,5-3,0 метр, оралиғидаги масофалар 70 метр, иккинчи ярус-ёпиқ юза зовур 1,0-1,20 метр чуқурликда, орасидаги масофа 30,0-35,0 метр) ерни шудгорлаш (30-40 см), ерни чуқур юмшатиш (70-80 см) ва тилмалаш (120 см) асосидаги шўр ювиш технологияси Сирдарё вилояти Ховос туманидаги фермер хўжаликларида 32 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 02/032-217-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида тупроқ

кучли шўрланган ва шўрхок даражасидан кучсиз ҳамда ўртача шўрланиш даражасигача пасайган ва ғўзадан гектаридан 24,0 центнер пахта ҳосили олинган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган илмий тажрибалар ҳар йили ЎзҚХИИЧМ, ПСУЕАИТИ, ТИҚХММИ ва ТошДАУ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан апробация кўригидан ўтказилган ва ижобий баҳоланган. Илмий тадқиқот натижалари бўйича тайёрланган ҳисоботлар тегишли муассасалар Илмий кенгашида ва илмий-услубий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро анжуманларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, 1 та монография, жумладан 7 та республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши 200 саҳифада ёзилган бўлиб, кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати илмий асосланган. Тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган

Диссертациянинг «**Шўрланган майдонларда тупроқни шўрини ювиш бўйича олиб борилган илмий изланишлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи батафсил ёритилган. Шунинг билан бир қаторда илмий манбалардан олинган хулосалар таҳлил қилиниб, тадқиқотлар олдига қўйилган мақсад ва вазифалар, ҳозирги деҳқончилик тизимида тупроқнинг сув ва туз тартиблари ва шу асосида шўр ювиш, шўрхок тупроқларни мелиорация қилиш бўйича илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги келтирилган.

“**Тадқиқот ўтказилган жойнинг табиий шароитлари**” деб номланган иккинчи бобида Сирдарё вилоятининг геоморфологияси ва тупроқ ҳосил қилувчи жинслари гидрография ва грунт сувлари, иқлим шароити, вилояти тупроқларининг тавсифи, суғориладиган ерларнинг 81% дан ошиқроғи турли

даражада шўрланганлиги келтирилган. Ўзбекистон Республикаси Ер кадастрининг 2015 йилги маълумотлар бўйича вилоятда кучсиз шўрланган майдонлар 112518 га, ўртача шўрланган 77845 га, кучли шўрланган 18719 га, жуда кучли шўрланган майдонлар 7425 гектарни ташкил қилиши келтирилган.

Тадқиқот ўтказиш услублари бобида диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган объектлар ва тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган. Тадқиқотлар Сирдарё вилояти Ховос туманида фаолият кўрсатаётган «Норин» ва «Пахтакор» ўртача шўрланган, кучли шўрланган ва Хасан Ахмат орзу (шўрхоқ) фермер хўжалиklarининг шўрланган ерларида амалга оширилди. Биринчи тажриба шўрланиш даражалари бўйича икки майдонга (ўртача ва кучли шўрланган) жойлаштирилган бўлиб, уларнинг ҳар бири 8,4 гектардан иборат, (1-вариант майдони 2 га, 2 вариант майдони 6,4 га). Биринчи тажриба майдонида чуқур доимий зовурларнинг орасидаги масофа 70 м чуқурлиги 2,5-3,0 м, узунлиги 400 м.

Иккинчи дала тажрибасининг 1-варианти майдони 14 гектардан, 2-вариант майдони—34 гектардан иборат. 1-вариантида чуқур доимий зовурларнинг орасидаги масофа 70 м чуқурлиги 2,5-3,0 м, узунлиги 400 м, умумий узунлиги 2000 метр ҳар бир гектар майдондаги зовурлар 142,8 п/м дан иборат.

Тажриба майдонининг 2-вариантида ҳам чуқур доимий зовурлар юқоридаги 1-вариант сингари жойлаштирилган, шунга қўшимча иккинчи ярус юза доимий ёпиқ зовурлар ўрнатилган, бу зовурлар чуқур доимий зовурлар оралиғида ҳар 30-35 м. масофага 1,2-1,5 м чуқурликда жойлаштирилган, уларнинг узунлиги 800 м (кузатув кудуқлари орасидаги масофа-400м), чуқур ва юза зовур сувлари ёпиқ сув йиғиштиргич қувурлари орқали очик коллекторга ташланган, юза ёпиқ доимий зовурларнинг умумий узунлиги 7200 п/м. чуқур ёпиқ доимий зовурларнинг умумий узунлиги 4000 п/м. ҳар бир гектар майдондаги зовурлар 329,3 п/м ни ташкил қилади.

Тадқиқотларда дала тажрибаларини олиб боришда “Дала тажрибаларини ўтказиш услублар”, тупроқ ва сув таркибидаги тузлар, озуқа моддалар миқдорларини аниқлаш ва агрофизикавий таҳлилларда “Методика агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных районах”, ҳамда тажриба маълумотларини математик-статистик таҳлилда Б.А Доспехов услубидан фойдаланилди.

Диссертациянинг **бешинчи бобида биринчи тажриба натижалари келтирилган бўлиб**, унда тажриба майдонларининг тупроғи оч тусли бўз, ўтлоқи, ўртача ва кучли шўрланган, кучсиз гипслашган, ўрта ва оғир механик таркибли, сизот сувларининг жойлашиши чуқурлиги 1,70-2,5 м, минераллашганлик даражаси 5-16 г/л ни. ташкил этади.

Ўртача шўрланган майдонда тупроқнинг зичлиги (ўртача 1 м қатламда) 1,50-1,54 г/см³ ни, кучли шўрланган майдонда эса 1,56-1,58 г/см³ ни тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ўртача шўрланган тажриба майдонида ўртача 6 соат давомида 29,2-29,8 мм/мин, кучли шўрланган тажриба

майдонида эса 25,5-26,7 мм/мин ни тупроқнинг чеклангани нам сиғими, ўртача шўрланган тажриба майдонида 22,7 %, кучли шўрланган майдонда эса-23,5 % дан иборат бўлганлиги, ушбу маълумотлар шўр ювиш меъёрларини аниқлаш учун асос қилиб олинганлиги келтирилган.

Кузги буғдой тажриба даласида ўтказиладиган суғориш турлари, сонлари, муддатлари ва меъёрлари деб номланган 4 параграфда ғўза қатор орасини тўлиқ 18-20 см чуқурликда юмшатиш учун, олдиндан суғориш зарурлиги, бунинг учун ҳар йили сентябир ойининг охири, октябр ойининг биринчи ўн кунлигида ўртача шўрланган тажриба майдонида 870 м³/га, кучли шўрланган тажриба майдонида эса 903 м³/га ҳисобида суғориш ўтказилганлиги келтирилган.

Тажриба майдонларида иккинчи суғориш кузги буғдой уруғини тўлиқ ундириб олиш учун ўтказилди ва бунда ўртача, кучли шўрланган майдондаги иккала вариантга ҳам йиллар бўйича ўртача 1050 м³/га. сув сарфланди. Иккала тажриба майдонидаги 2-вариантда юқорида келтирилган суғоришдан ташқари шўр ювиш мақсадида 3 мартадан суғориш ўтказилди. Бунда ўртача шўрланган майдонда 800-967 м³/га, кучли шўрланган майдонда эса 1038-1300 м³/га сув сарфланади. Умуман куздаги суғоришлар учун ўртача шўрланган майдондаги 1- вариантга (назорат) 1850 м³/га, 2- вариантга - 4567 м³/га. Кучли шўрланган майдоннинг 1-вариантига 1963 м³/га, 2- вариантыга эса 5546 м³/га сув берилди. Иккала тажриба майдонидаги 2-вариантга куз давридаги сарфланган сув миқдори ҳисоблаб топилган назарий шўр ювиш меъёрига мос келди.

Тажриба майдонларида кузги буғдойнинг ўсув давридаги суғоришлар сони ҳар йили 3 мартани ташкил қилиб, ўртача шўрланган майдонда ҳар галги суғориш меъёри 803-1000 м³/га, кучли шўрланган майдонда эса 930-967 м³/га.ни ташкил қилди.

Тажрибада кузги буғдой экилган майдоннинг намлик тартиби 2-жадвалда келтирилган. Ушбу жадвал маълумотларининг кўрсатишича тажриба майдонидаги энг паст намлик кўрсаткичи кузги буғдойни экишдан олдин кузатилди. Шу даврда ўртача шўрланган майдонда намлик миқдори 8,8-9,0 % ни, кучли шўрланган майдонда эса 9,5-10,7 % ни ташкил қилди.


Шўр ювилгандан кейин ўртача шўрланган майдоннинг 1-вариантда 11,3 % ни, шўри ювилган 2-вариантда эса 18,9 % ни, кучли шўрланган майдонда эса 1-вариантда 12,7 %, 2-вариантда 20,3 % бўлди.

Кузги буғдойнинг ўсув даври давомида шўри ювилган вариантларда тупроқнинг намлиги чекланган дала нам сиғимига нисбатан 68,1-74,0 % ни шўри ювилмаган вариантларда эса 59,5-70,5 % ни ташкил қилди. Шўри ювилган вариантларда тупроқ намлигини нисбатан юқори бўлишлиги мавсумий туз тўпланишни олдини олиб, тупроқ эритмаси концентрацияси мўтадил сақлаб туришига эришилди.

Диссертациянинг **Кузги буғдойни суғориш сонлари, муддатлари ва меъёрларини тупроқнинг туз режимига таъсири** бўйича олинган натижалар 1-расмда келтирилган. Ушбу расм маълумотларининг кўрсатишича ўртача шўрланган майдонда кузги буғдойни экишдан олдинги

даврда тупроқ таркибидаги хлор ионининг миқдори ўртача 1 м. қатламда 0,044% ни, кучли шўрланган тажриба майдонида эса ўртача 0,074% ни ташкил этди. Юқорида келтирилган шўр ювиш меъёрлари ўртача шўрланган майдоннинг 2-вариантида, шўр ювиш натижасида хлор-ионининг миқдори 0,044 % дан (экишдан олдинги ҳолати) 0,017 % гача (шўри ювилгандан кейин) камайди, кучли шўрланган майдонда эса 0,070% дан 0,023% гача камайди ёки тузларнинг тўлиқ ювилиши таъминланди.

Тажриба вариантларида кузги буғдойни пишиб етилиш давридаги тузларни ҳолати кузда шўри ювилгандан кейинги ҳолатига нисбатан кўпайиши кузатилди. Бунга сабаб, май июн ойида ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши ҳисобига буғланиш даражасининг ошиб бориши ва тузларни мавсумий тўпланишига олиб келишидир.



1-Расм. Кузги буғдой майдонида ўтказилган суғориш ва шўр ювиш меъёрларининг тупроқни туз таркибига таъсири.(1м. қатламда, ўртача 3 йиллик)

Диссертациянинг кузги буғдойдан кейин такрорий экин маккажўхорининг суғориш сонлари, муддатларива меъёрлари бўйича олинган маълумотларни кўрсатишича, кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида экилган маккажўхори, мавсум давомида (июн-октябр) 4-марта суғоришни талаб қилди. Шундан биринчи суғориш маккажўхори экилгандан кейин уруғни тўлиқ бир текис ундириб олиш учун, қолган 3 та суғоришлар маккажўхорининг ўсув даврида ўтказилди.

Ўртача шўрланган тажриба майдонидаги иккала вариантда ҳам суғориш меъёрлари 883-950м³/га. мавсумий суғориш меъёри 3390 м³/га. кучли шўрланган майдонда ҳар галги суғориш меъёри 933-967 м³/га. ни, мавсумий суғориш меъёри эса 3707м³/га дан иборат бўлди.

Келтирилган суғориш сонлари, меъёрлари ва муддатлари маккажўхорини тўлиқ етилишини таъминлади ва тупроқнинг сув-туз режимларига ўз таъсирини кўрсатди (1-жадвал).

Такрорий экин маккажўхори майдонлари тупроғининг намлик ва туз режими (ўртача 3-йиллик 1 м қатламда)

Вариант	Тупроқ намлиги,%		Хлор-иони,%	
	Экишдан олдин	Кузда	Экишдан олдин	Кузда
Ўртача шўрланган майдон				
1	11,0	8,0	0,044	0,061
2	11,7	14,9	0,030	0,039
Кучли шўрланган майдон				
1	11,1	8,6	0,068	0,075
2	12,8	15,4	0,040	0,048

Экишдан олдин ўртача шўрланган майдоннинг шўри ювилмаган 1-вариантида тупроқ намлиги 11,0 % бўлган бўлса, кузда бу миқдор 8,0 % гача камайди. Аксинча, тупроқ таркибидаги хлор иони миқдори эса шу даврда 0,044 % дан 0,061 % гача кўтарилди. Тажрибанинг шўри ювилган 2-вариантида эса тупроқ намлиги 11,7 % дан 14,9 % гача, хлор ионининг миқдори 0,030 % дан 0,039 % гача кўтарилди. Кучли шўрланган майдоннинг шўри ювилмаган 1-вариантида тупроқ намлиги экишдан олдин 11,1 % бўлган бўлса, кузда бу миқдор 8,9 % гача камайди, тупроқ таркибидаги хлор иони миқдори эса шу даврда 0,068 % дан 0,075 % гача кўтарилди, шўри ювилган 2-вариантида эса тупроқ намлиги 12,7 % дан 15,4 % гача, хлор ионининг миқдори 0,40 % дан 0,048 % гача ошди, яъни шўри ювилган тажриба майдонларида кузги буғдойдан кейин такрорий экин экиш, тупроқнинг намлик даражасини кўпайишига ва мавсумий туз тўпланишини камайишига олиб келди.

Кузги буғдойнинг шўри ювилмаган 1 вариантыда такрорий экин экилмасдан анғиз сифатида қолдирилганда иккала шўрланиш даражасида ҳам тупроқ намлиги 8,0-8,6 % гача камайиб, мавсумий туз тўпланиш хлор бўйича 0,044-0,068 % дан 0,061-0,075 % гача кўтарилди.

Такрорий экин маккажўхори майдонида мавсумий суғоришлар натижасида вужудга келган тупроқ намлиги ва тўпланган тузлар миқдорлари асосида назарий талаб қилинадиган шўр ювиш меъёрлари аниқланди. Бунда кузги буғдой етиштиришда шўри ювилмаган, такрорий экин экилмаган 1 вариантларда энг кўп шўр ювиш меъёри талаб қилинди. Бу ўртача шўрланган майдонда 5777 м³/га кучли шўрланган майдонда эса 6056 м³/га ни ташкил қилди.

Такрорий экинни етиштириш учун сарфланган мавсумий суғориш меъёри ва такрорий экиндан кейин талаб қилинадиган шўр ювиш меъёри билан биргаликда қўшиб ҳисобланганда ўртача шўрланган майдонда жами 6917 м³/га, кучли шўрланган майдонда 7393 м³/га дан иборат бўлди. 2-жадвал.

Талаб қилинадиган шўр ювиш меъёри

Вариант	Талаб қилинадиган шўр ювиш меъёри	Такрорий экин учун сарфланган мавсумий суғориш меъёри	Жами сув сарфи
Ўртача шўрланган майдон			
1	5777	-	5777
2	3541	3376	6917
Кучли шўрланган майдон			
1	6056	-	6056
2	3687	3706	7393

Ғўза тажриба даласини шўрини ювиш ва ғўзани ўсув давридаги суғориш меъёрлари, сонлари ва муддатлари деб номланган 5.9. порографда тажрибанинг 2-вариантида мавсумий тўпланган тузларни ювиш учун ўртача шўрланган тажриба майдонида 2 марта шўр ювилиб, ҳар галги шўр ювиш меъёри 1500-1780 м³/га ни ва умумий шўр ювиш меъёри эса 3380 м³/га ни ташкил қилди. Кучли шўрланган тажриба майдони 3 марта ювилиб ҳар галги шўр ювиш меъёри 895-1535 м³/га, умумий шўр ювиш меъёри эса, 3785 м³/га дан иборат бўлди.

Умуман, юқорида келтирилган амалий шўр ювиш меъёрлари, назарий шўр ювиш меъёрларига яқин бўлиб, иккала тажриба майдонида ҳам тупроқнинг 1 м қатламидаги хлор-иони миқдорини 0,01-0,02 % га камайтиради.

Ғўза мавсум давомида иккала тажриба майдонида ҳам 4 мартадан суғорилиб, ҳар галги суғориш меъёри 813-978 м³/га ни мавсумий суғориш меъёри эса 3571-3632 м³/га ни ташкил этди. Йил давомидаги умумий сув сарфи ўртача шўрланган майдоннинг 2-вариантида 6951 м³/га, кучли шўрланган майдонда эса 7417 м³/га дан иборат бўлди. Шўри ювилмаган вариантларда бу кўрсаткич 3571-3632 м³/га бўлди.

Ғўза экилган тажриба майдонидаги шўр ювиш ва ўсув давридаги суғоришлар тупроқнинг туз режимига ўз таъсирини кўрсатди, ўртача шўрланган тажриба майдонида хлор-ионининг миқдори шўр ювиш натижасида 0,039 % дан 0,018 % гача, кучли шўрланган майдонда эса 0,056 % 0,024% гача камайди. Ўсув даври охирида тупроқ таркибидаги хлор-иони миқдорининг бироз кўтарилиши кузатилди, бу 1-вариантда (ўртача шўрланган майдонда ўртача 1 м қатламда 0,046% дан 0,047 % гача, кучли шўрланган майдонда эса 0,068 % дан 0,070 % гача). Тажрибаларнинг иккинчи вариантларида эса ўртача шўрланган майдонда 0,018 % дан 0,029 % гача, кучли шўрланган майдонда эса 0,022 % дан 0,044 % гача кўтарилди. Тузларнинг қисман кўтарилишига сабаб, мавсумий туз тўпланиш жараёнларини кечишидир, шуни такидлаш керакки, шўри ювилган вариантларда кузга келиб ўртача шўрланган майдонда шўрланиш даражаси кучсиз, кучли шўрланган майдонда эса ўртача шўрланишгача тушганлиги кузатилди (3-жадвал).


**Ғўза экилган тажриба майдони тупроғининг туз тартибига шўр ювиш ва ўсув давридаги суғоришларнинг таъсири, %
(100 см қатлам ўртача 3 йиллик)**

Вариант №	Шўр ювишдан олдин		Шўр ювишдан кейин		Ўсув даврининг охири	
	Қуруқ қолдиқ	Хлор-иони	Қуруқ қолдиқ	Хлор-иони	Қуруқ қолдиқ	Хлор-иони
Ўртача шўрланган						
1	0,870	0,045	0,843	0,043	0,911	0,047
2	0,817	0,039	0,718	0,018	0,707	0,039
Кучли шўрланган						
1	1,623	0,068	1,760	0,067	1,813	0,070
2	1,770	0,056	1,660	0,024	1,680	0,044

Тажриба майдонларида сизот сувларини жойлашиши чуқурлигини ва минераллашганлик даражаларини ўзгариши диссертациянинг 14,15 параграфларида келтирилган бўлиб, бунда тажриба майдонларида сизот сувларини максимал чуқурлиги суғорилмайдиган даврларда, яни октябр, март ойларида қайд қилинди. Бу даврларда ўртача шўрланган майдонда 220-227 см ни кучли шўрланган майдонда эса 206-211 см ни ташкил қилди.

Сизот сувларининг ер юзасига энг яқин жойлашиш чуқурлиги, июл-август ойларига яни экинларни суғориш даврига тўғри келди. Бу даврда ўртача шўрланган майдонда сизот сувларининг жойлашиши чуқурлиги 173-186 см дан, кучли шўрланган майдонда эса 166-180 см дан иборат бўлди.

Тажриба майдонларида сизот сувларининг мавсум давомидаги ўзгариш амплитудаси, ўртача шўрланган майдонда 55-60 см ни, кучли шўрланган майдонда эса 38-60 см ни ташкил қилди. Умуман тажриба майдонларидаги сизот сувлари мавсумий ирригация типига мансуб бўлиб, суғориш таъсирида ўзгариб туради ва уларнинг асосий қисми ер сатҳидан буғланишга сарфланади.



2-Расм. Тажриба майдонларида сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги, см

Сизот сувларининг йиллик ўртача минераллашганлик даражаси: ўртача шўрланган майдонда 7,2-8,8 г/л бўлган бўлса, кучли шўрланган майдонда эса 12,6-16,0 г/л бўлганлиги аниқланди.


Кузги буғдой, ғўза ва такрорий экин маккажўхорини ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги бўйича олинган маълумотларни кўрсатишича ўртача шўрланган майдонда шўри ювилмаган вариантда кузги буғдойни ўсув даври охиридаги поялар баландлиги йиллар бўйича 73,6-84,2 см, бошоқ узунлиги 7,3-8,1 см, битта бошоқдаги донлар сони 32,5-33,7 дона, ҳосилдорлик 31,7 35,6- ц/га бўлган бўлса, шўри ювилган вариантда эса бу кўрсаткичлар юқоридагиларга мос равишда 83,5-92,3, 8,6- 8,8; 40,3-41,2 ва 38,2-43,7 ц/га ни кучли шўрланган майдонда поялар узунлиги 68,4-81,3 см, бошоқ узунлиги 5,8-7,6 см, битта бошоқдаги донлар сони 24,2-39,0 дона ва дон ҳосили 17,3-22,6 ц/га, иккинчи вариантда юқоридаги кўрсаткичларга мос равишда 78,4-92,3 см, 7,0-8,8 см, 35,3-41,2 дона ва 32,5-40,4 ц/га ни. ташкил қилди. Иккала тажриба майдонинг 1-вариантида кузги буғдой ҳосилдорлигини, кўчат сонини камлиги ва ўсиш, ривожланишидан орқада қолишлиги шўри ювилмаганлиги билан асосланади.

Ғўза экилган ўртача шўрланган майдонда ўсув даврининг охиридаги кўчат сони шўри ювилган вариантда ўртача - 95,2 минг/га ни, бош поя узунлиги 81,9 см, бир туп ғўзадаги ҳосил шохлари 13,4 донани, кўсақлар сони 8,0 донани ва ҳосилдорлик 27,3 ц/га ни ташкил этган бўлса, шўри ювилмаган вариантда эса, бу кўрсаткичлар анча паст бўлди, фақат ҳосилдорлик бўйича 14,1 ц/га ёки 50% га кам бўлганлиги аниқланди.

Кучли шўрланган тажриба майдонида ҳам шундай қонуният сақланади, шўри ювилган майдонда:ғўзанинг кўчат сони 84,7 минг/га ни, бош поя узунлиги 78,2 см ни, ҳосил шохлари 8,2 донани, кўсақлар сони 7,4 дона ва ҳосилдорлик 23,2 ц/га бўлган бўлса, шўри ювилмаган тажриба вариантида бу кўрсаткичлар 29,3; 59,7; 3,3 ва 4,0 ц/га дан иборат бўлди.

Тажриба майдонларида такрорий экин сифатида экилган маккажўхори ўртача шўрланган майдондаги 1-вариантида 46,3 минг/га, поя узунлиги 144 см, дон ҳосили 18,3 ц/га ва поя ҳосили 167,5 ц/га бўлди. Шўри ювилган вариантда бу кўрсаткичлар мос ҳолда 56,3 минг/га, 171 см ва дон ҳосили 26,9 ц/га поя ҳосили 193,9 ц/га ни ташкил этди. Кучли шўрланган шўри ювилган вариантда бу кўрсаткичлар юқоридагиларга мос ҳолда 55,7 минг/га, 170 см ва 23,5 ц/га ва 181,2 ц/га дан иборат бўлди. Кучли шўрланган майдондаги 1-вариантида, маккажўхори уруғи тупроқ таркибида туз кўп бўлганлиги туфайли тўлиқ униб чиқмади, айрим униб чиққан уруғлар ҳам майсалаш даврини тўлиқ ўтаб бўлмасдан нобуд бўлди.

Диссертациянинг олтинчи бобида **иккинчи тажриба натижалари** келтирилган бўлиб, унинг биринчи параграфида тажриба майдони тупроғининг литологик тузилиши 2-расмда келтирилган. Бунда тупроқнинг ер юзасидан 30-100 см яъни гипсли қатламгача бўлган қисмининг механик таркиби ўртача ва оғир, бу қатламдан кейин 30-120 см қалинликда цементлашган гипсли қатлам, гипс қатлами остида эса (120-300 см) ҳар хил механик таркибли яъни енгил, ўрта ва оғир тупроқ қатламлари жойлашган.



3-Расм. Тажриба майдони тупроғининг литологик тузилиши

Тажриба майдонининг 13,08 га майдонида гипсли қатлам 30-60 см чуқурликда, 13,42 га ерида 60-100 см чуқурликда, 5,12 га майдонда 100-200 см чуқурликда жойлашган. Тажриба майдонида гипсли қатлам қалинлиги ҳам бутун майдон бўйича турли қалинликдан иборат эканлиги аниқланди. Бу кўрсаткич 40см. гача бўлган қалинликга эга бўлган ер майдони 20,21 гектарни, 40 см дан қалин бўлган қатлам 11,79 гектарни ташкил қилди. Тажриба майдонида ўтқазилган шўр ювиш меъёрлари ва сонлари 4-жадвалда келтирилган. Тажрибанинг 1-вариантида жами 3 марта такрорланган ҳолда шўр ювилди ва бунда бутун шўр ювиш давомида 5984 м³/га сув сарфланди. Тажрибанинг 2-вариантида эса шу давр ичида 10 марта такрорий шўри ювилган бўлиб, жами 26977 м³/га сув сарфланди. Ушбу вариантга берилган шўр ювиш меъёри асосан юза ва чуқур доимий зовурлар орқали ўзлаштирилди ва тупроқнинг 1,20-1,50 м қатламидаги тузларни кўчли ва шўрхоклик даражасидан кучсиз ва ўртача шўрланганлик даражасигача пасайтирди.

4-жадвал

Тажриба майдонида вариантлар бўйича шўр ювиш меъёри ва шўр ювиш сони.

Вариант №	Шўр ювиш сони	Ҳар галги шўр ювиш меъёри, м ³ /га	Умумий шўр ювиш меъёри м ³ /га
1	3	2000	5984
2	10	2700	26977

Тажрибанинг назорат вариантыда (1-вариант) эса тупроқнинг 60-120 см чуқурлигида жойлашган гипсли қатлам бузулмаганлиги ва бу майдонда юза доимий зовурларнинг йўқлиги туфайли шўр ювиш меъёри тажрибанинг 2-вариантига нисбатан 4 баробар кам бўлди, оқибатда тупроқ таркибидаги тузлар ювилмай қолди.


Тупроқ намлигини ўзгариши бўйича олинган маълумотлар 3-расмда келтирилган.

Тажриба майдонларининг иккала вариантыда ҳам намлик миқдори дастлабки кузатишда гипс усти қатламида 12,2-13,0 % (0-60 см), гипс қатламида 20,3-25,1%, гипс ости қатламида эса 25,0-26,4 % дан иборат бўлди.

Тажрибанинг 1 вариантыда орадан 30 йил ўтгандан кейин барча қатламларда тупроқ намлигида кескин ўзгариш содир бўлмади. Лекин

тажрибанинг 2 вариантыда эса ерга ишлов бериш ўғитлаш, суғориш, шўр ювиш ва алмашлаб экишлар таъсирида тупроқ намлиги гипс қатламининг устида (0-60 см), ўртача 2,4% кўпайганлиги кузатилди, аксинча гипсли қатлам намлиги эса чуқур юмшатиш ва тилмалаш ҳамда юзадаги зовурнинг таъсирларида 3,1% га камайган.


Гипс ости қатламида (120-200 см) эса намлик деярли ўзгармади.



4-Расм. Икки ярусли зовурлар таъсирида тупроқ намлигининг йиллар давомида ўзгариши

Диссертациянинг **Тажриба майдонида сизот сувларининг жойлашиш сатҳининг ўзгариши** деб номланган 6.5 параграфида.


1-вариантида тажрибанинг бошида, сизот сувларининг жойлашиш сатҳи 180 см ни ташкил қилган бўлса, 2015 йил ўртача мавсумий жойлашиш чуқурлиги 185 см. тажрибанинг 2-вариантида сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги дастлабки мавсумда 181 см. 2015 йилдаги сатҳи эса 194 см. ни ташкил қилди.



5-Расм. Тажриба майдонида сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигини ўзгариши.

Тажриба майдонидаги икки ярусли зовурлар таъсирида сизот сувларининг жойлашиш сатҳи назорат вариантыга нисбатан 8,9 см чуқурликда жойлашганлиги аниқланди.

Сизот сувларнинг минераллашганлик даражаси тажриба бошланган йилда ўртача қуруқ қолдиқ бўйича 20,107-21,443 г/л, хлор-иони бўйича 7,836-7,893 г/л бўлган ёки сизот сувларини минераллашганлиги бўйича қабул қилинган классификация бўйича жуда кучли минераллашган ҳисобланади.



6-Расм. Сизот сувларининг минераллашганлик даражасини ўзгариши.

Орадан 30 йил ўтгандан кейин тажрибанинг 1-вариантида сизот сувларининг минераллашганлиги 24,482 г/л дан 19,703 г/л гача, 2 вариантда эса 23,848 г/л дан 17,502 г/л гача камайганлиги аниқланди.


Сизот сувларининг туз таркиби дастлабки ҳолатида умумий минераллашганлик даражасининг 39-45 % ни натрий хлор, 21-25 % ни магний сульфат, 19-20 % ни кальций сульфат ва 10-19 % ни эса натрий сульфат тузлари ташкил қилган бўлса, орадан 30 йил ўтгандан кейин сизот сувлар таркиби тажрибанинг 1-вариантида магний сульфат 3,3 баробар, натрий хлор 2 баробар камайган бўлса, натрий сульфат тузи 3 баробар кўпайган.

Тажрибанинг 2-вариантида шу давр ичида икки ярусли зовурлар таъсирида энг кўп камайиш натрий хлор тузида 2 баробар кузатилди, магний сульфат ва натрий сульфат тузлари эса бир оз кўтарилиши қайд қилинди. Иккала вариантда ҳам кальций сульфат тузида ўзгариш бўлмади.

